ЎҚИТИШНИНГ КЛАСТЕР УСУЛИ

Онахон Маннoповна Жабборова **Низомиддин Неъматович Бозоров**
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ўқитишнинг инновацион кластер усули ва унинг хусусиятлари, мазмуни, воситалари тўғрисида фикр юритилган, мазкур муаммога доир мулоҳазалар баён қилинган.

Калит сўзлар: ўқитиш, таълим, усул, кластер, ёндашув, муаммо, ечим, билим, тажриба, кўникма.

CLUSTER WAY OF TEACHING

Onakhon Mannopovna Jabborova **Nizomiddin Nematovich Bozorov**
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

This article discusses the innovative cluster method of teaching and its features, content, tools, and comments on this issue.

Keywords: teaching, learning, method, cluster, approach, problem, solution, knowledge, experience, skill.

КИРИШ

Мамлакатимизда таълим тизимида турли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Шулардан бири албатта “Таълимда тизимида кластер методи” номли усулдир. Ушбу метод тажриба синов тариқасида Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида педагогик таълим иннговацион кластери бош тадқиқот мавзуси сифатида танланган. Қўйида биз мазкур методни назарий жиҳатдан қисқача кўриб чиқамиз.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўқитишнинг кластер усули – тармоқлар ва фанлар билан ўзаро интеграциялашувга асосланади. Шу жиҳатдан бошланғич таълимда ўқитишнинг кластер усули қуйидагича идрок этилади (1-чизма):



Эътибор берилса, бу ёндашувда икки масала муҳим ўрин тутади:боғлиқлик (интеграция) ва ҳамкорлик (концентрация). Унга кўра, боғлиқлик – ўқув фанлари ва ўқув жараёнининг узвийликка асосланишини; ҳамкорлик – таълим ва нодавлат тарбия ташкилотларнинг биргаликда ҳаракатини ифодалайди. Шу маънода бошланғич таълимда ўқитишнинг кластер усули ўқитиш ва тарбия ишида ягона мақсад сари интилишини англатади.

Бошланғич таълимнинг иштирокчилари кўп: ўқувчилар, ўқитуувчилар, ота-оналар, таълим ташкилотлари, нодавлат тарбия муассасалари (масалан, “Камалак” болалар ташкилоти) ва мактаб жамоаси. Бу иштирокчилар кластер усули воситасида бирлашади. Шу сабабли бошланғич таълимда ўқитишнинг кластер усулида қуйидагилар муҳим ўрин тутади:

а) ягона мақсаднинг белгиланиши;

б) иштирокчиларнинг ўз вазифасини бажариши;

в) қулай ва осон воситаларнинг қўлланилиши;

г) самарнинг баҳоланиб бориши.

Мазкур масалалар айниқса, бўладак педагоглар томонидан аниқ идрок этилиши лозим.

Кейинги пайтларда, баъзи тадқиқотларда ўқитишнинг кластер усули тўғрисида фикрлар юритилганида, ташкилотларнинг роли бўрттириб кўрсатилмоқда. Бироқ, бошланғич таълимда кластер усули қўлланилганида асосий вазифани ўқитувчи бажарувчини унутмаслик лозим. Қолган барча таълим ташкилотчилари ёрдамчи вазифани бажаради. Чунки бошланғич таълим ўқитувчиси “Ишлаб чиқариш” вазифасини қолган таълим иштирокчилари эса шароит яратувчи ва истеъмолчи функциясини бажаради. Шу жиҳатдан қуйидаги тизим идрок этилади (2-чизма).



МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бу ёндашувнинг амалий самараси таълим иштирокчиларининг ўз вазифаларини аниқ ва ўз вақтида бажаришига боғлиқ.

Ўқитишнинг кластер усулида қуйидаги хусусиятлар қўзга ташланиб туради:

- масаланинг назарий асосларини белгилаб олиш ва муаммоларнинг илмий ечишини топиш;
- муаммолар ечимини амалиёт билан боғлаш;
- индивидуал тажрибаларни амалий жараёнларда оммалаштириш;
- таълим-тарбия жараёнида жамоатчиликнинг кенг иштирок этиши.

Бу хусусиятлар олий педагогик таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларни кластер тизими асосида ўқитиш ва т арбиялаш йўналишларига мос равишда тайёрлашни тақозо этади. Шу сабабли Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида педагогик таълим инновацион кластери муаммолари фундаментал тарзда ўрганилмоқда. Унинг дастлабки натижаларини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- ўқитишда назария ва амалиёт уйғунлигига амал қилиш;
- кластер усулида ўқитишнинг муаммоларини тадқиқи этиш ва мақбул ечимлар топиш;
- бўлажак педагогик кадрларни тайёрлашда кластер асослари билан чуқур таништириш;

- кластер усулида амалга оширилаётган таълим ва тарбия жараёнининг самарасини амалий жиҳатдан баҳолаб бориш.

Бу хусусиятлар кейинги икки йил давомида институт жамоаси томонидан амалга оширилган илмий ва амалий тадқиқотлар ҳосиласини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида бўлажак педагогларни “интеллектуал ва маънавий салоҳиятли янги авлод кадрлари этиб тайёрлаш” вазифаси қўйилган. Бу вазифанинг ижроси жараёнида бизнинг жамоа томонидан “Мактаб-лаборатория” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Унда қуйидаги вазифаларга алоҳида эътибор берилаётганлигини эслатиб ўтиш жоиз:

- имкон қадар машғулотларни кластер усулида ўтиш;
- яратилаётган янги авлод дарсликларини ўқитувчининг методик қўлланмаси, ўқувчининг машқ дафтари ва мультимедия иловаси билан биргаликда комплекс тарзда нашрга тайёрлаш;
- кластер усули воситасида ўқувчиларнинг фанлар бўйича эгаллаган билимлари билан бир қаторда саводхонлик, компетенция ва шахсий сифатларини баҳолаб бориш;
- бўлажак ўқитувчиларнинг ва таълим иштирокчиларининг фаоллигини ошириш.

ХУЛОСА

Ўқитишнинг кластер усулида очиқлик, ошкоралик ва самарага интилиш методлари бирламчи ҳисобланади. Унга кўра, таълим берувчи ва таълим олувчилар ўртасида ҳамкорлик асослари бирламчи бўлади. Ўқитувчи назарий ва амалий кўникмаларни бериш билан чекланмайди, касинча, ўқувчининг амалий ўзлаштирганлик даражасини ўрганиб боради. Шу сабабли ўқитишнинг кластер усулида таълим иштирокчиларининг вазифалари аниқ бўлади. Бунда ўқитувчи мувофиқлаштирувчи ва йўналтирувчи вазифасини ҳам бажаради.

Мамалакатимизда ўқитишнинг кластер усули бўйича илк тажрибалар амалга оширилмоқда. Бунинг учун кенг кўламли тадқиқотлар ишларини фанлар кесимида амалга ошириш тақозо этилмоқда. Шу сабабли профессор-ўқитувчилар ва мутахассисларнинг илмий ҳамкорлиги асосида ўқитишнинг самараси белгиланиши керак.

REFERENCES

1. Шамова Т.И. Кластерный подход к развитию образовательных Систем.//Материалы по международного образовательного форума. Белгорад.: Изд. БелГУ. Част 1. –С. 24-29
2. Мухамедов Г., Ходжамқулов У. Педагогик таълим инновацион кластери: таъриф, тавсиф, тасниф.-Чирчиқ., 2019.
3. Jabborova Onahon Mannapovna, Jumanova Fotima Uralovna, Mahkamova Shohida Rahmatullayevna. (2020). Formation of artistic perception of future teachers. International journal of pssycological and rehabilitation, 24(4), 4087-4095.
4. Jabborova Onahon Mannapovna. (2019). Psycholocial and pedagogical foundations of the formation of the artistic perception of students in secondary schools. European journal of research and reflection in educational sciences, 7(10), 9-14.
5. Jabborova Onahon Mannapovna, Ismoilova Dilafruz Muhiddinovna. (2020, may). Optimation of primary education. ACADEMICIA: An international multidisciplinary research journal, 10(5), 1229-1232.
6. Мардонов Ш.К., Жаббарова О.М. Задачи уроков изобразительного исскуства в начальной школе. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 862-870.
7. Tojiboeva Gulmira Rifovna, Pulatova Dildora Turgunovna. Pedagogik kompetentlik: nazariya va amaliyot. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 209-215.
8. Мусурмонов Рахматулла, Мусурманова Малуда. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда инновациялар. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 777-783.
9. Karimjonov Alijan, Jabborova Onakhon Mannapovna. Improvement of claster training system. Academicia An international multidisciplinary research journal, Kurukshetra (India), 2020, Issue 10, pp. 584-589.
10. Jabborova Onaxon Mannapovna, Umarova Zuhra Abduraxmanovna. Pedagogical conflicts in primary school students - as an important social-pedagogical problem. Solid State Technology, Great Britain, 2020, Issue 6, pp.235-241.
11. Мардонов Шукурулло Қўлдошевич, Хужамқулов Умид Негматович, Ботирова Шахло исомиддиновна, Шерматова Умида Сафаевна. The end to educate young people with the spirit of patriotism in the context of globalization. Journal of Critical Reviews, Malaysia, 2020, Vol.7, Issue 12, pp 166-169.
12. Мардонов Шукурулло Қўлдошевич, Қуттибекова Гулжан Тулепбаевна. Structure and Mechanisms of Action of The Educational Cluster. International journal of Psychosocial Rehabilitation, United Kingdom, 2020, Issue 07, pp. 8104-8111.